















# ҚУТЛОВ



## БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Она юртимизнинг  
эртанги эгалари бўлган  
фарзандларимизни

**1 июнь — Халқаро  
болаларни ҳимоя  
қилиш куни**

муносабати билан  
муборакбод этади.  
Осмони мусаффо,  
ҳаёти осуда юрtda  
юзингиздан ҳеч қачон  
шодлик ва табассум аримасин.  
Барча орзу-умидларингиз  
рўёбга чиқишига тилакдошмиз,  
шириндан-шакар болажонлар!





## Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси

Ўзбекистонимизнинг эртаси  
бўлган азиз  
фарзандларимизни

**1 ИЮНЬ —  
ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ**

билан муборакбод этади.  
Озод ва обод юртимизда  
ҳеч кимдан кам бўлмаган  
янги авлод учун барча имкониятлар  
яратиб берилмоқда.  
Ишончимиз комилки,  
сизлар ана шундай шарт-шароитларда  
таълим-тарбия олиб,  
улуғ аждодларнинг муносиб  
ворислари бўлиб етишасизлар.

*Байрам муборак, азиз болажонлар!*



# ЖАРАЁН

## Инсон омилига бирламчи эътибор

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА БАНДЛИК ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ҚАТЪИЯТ ВА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУНИ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МЕХНАТ, АХОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА БАНДЛИККА ҚЎМАҚЛАШИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА ҲАМ КЎРИШ МУМКИН**

**Мансур АСЛОНОВ,**  
«XXI ASR»



имкониятлар, десак асло хато қилмаймиз.

Иш ўринларини аниқ ҳисобга олиш, ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазига қилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «NEWJOB» ҳамда «BESTDOC» дастурлари қўл келмоқда. Шунингдек, фуқаролар нафақат вилоят, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги мавжуд бўлиш иш ўринлари оид маълумотлар билан интернетдаги www.mehnat.uz сайти орқали ҳам танишишлари мумкин. Ҳар ой якунида корхона ва таъмирчилик мавжуд бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар вилоят «Дўстлик байроғи» ҳамда «Знамя дружбы» газеталарида мунтазам эълон қилиб бориладиганлиги билан бирлик дастури ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 30 майда «2011-2015 йилларда

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида фаол иш олиб бораётиб, — дейди аҳолини ижтимоий муҳофазига қилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган маълумотлар бўлими бошлиғи Махлиё Ҳўралиева. — Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ушбу тоифага фуқаролар тўлиқ диспансеризация қўриғидан ўтказиб, уларга 41,5 млн. сўмликка яқин энг зарур озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Саховатпеша инсонлар томонидан муҳофизат қилинаётган 355 минг сўмликдан зиёд молдий ёрдам кўрсатилди. 9 нафар ногирон бепул протез-ортопедик ускуналар, зарур реабилитация-техник воситалари билан таъминланди.

Фақат шунгина эмас. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг 96 нафарига уй шароитида доимий ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. Қишлоқларда яшовчи 299

нафар отахон ва онахонга томорқа ҳўжалигини юритиш учун яқиндан ёрдам берилаяпти. 252 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларимиз учун маҳаллий даврий нашрларга 6 млн. 393 минг сўмликдан зиёд обуна уюштирилди. Нурота туманидаги «Муруват уйи»да лойиҳа қиймати 1,8 млрд. сўм бўлган 100 ўринли ётоқхона қурилиши бошлаб юборилган. Қолаверса вилоятимизнинг 3 та туманида имконияти чекланган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар учун имтиёзли автотранспорт, кир ювиш, пойабзал, кийим-кечакларни бепул таъмирлаш ҳамда бошқа турдаги маиший хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамият тараққиёти, келажак манфаатлари йўлида астойдил меҳнат қилган фохрийлар катта гамхўрлик билан қўриқиб олинган. Бу, шубҳасиз, мустақил юртимизда инсон омилига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан яна бир қарра далолат беради.

### НАСТДАРҒОМЛИК БИГИРҮВЧИЛАРГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР

Бу йил Пастдарғом туманидаги 123 та умумтаълим мактабини 6002 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, улар учун коллеж ва лицейларда кенг имкониятлар яратиб берилди. Маълумки, устоз иқтидорли, билимли бўлса, ўқувчи истиқболдан ҳавотир олмас ҳам бўлади. Шундан келиб чиқиб, Пастдарғомда бир йил мобайнида 882 нафар устоз-мураббий ўз малакасини оширди.

Ўтган йили коллежларни тамомлаган 5341 нафар йигит-қиз мутахассислик дипломини олган бўлса, уларнинг 90 фоизи доимий иш билан таъминландилар. Шу ўринда ёшлар учун янги иш ўринлари яратишда O'zliDeP электроти — тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Улар етакчилик қилаётган корхоналарда бир йил давомида 700 га яқин янги иш ўрни яратилиб, касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 191 нафари ишга қабул қилинди.

Ёшлар, уларнинг эртанги кунига ҳақида сўз борганда «Мустақиллик», «Пахтакор», «Утарчи», «Беклар» маҳаллаларида «Одам савдоси қурбони бўлманг», «Диний экстремизм ва фундаментализм — тараққиёт душмани» мавзуларида иқтисодиёт таъмирчиларини таъкидлаш лозим.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

### МУЛҚДОР МИНБАРИ

## Дала маданияти — фермер мажбурияти

**ЮРАГИМИЗГА МУҲРЛАНГАН БИР ДАЪВАТ БОР: «БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙМИЗ!».**

**Фарҳод РАЖАБОВ,**  
Гурлан туманидаги «Ражаб Сит» фермер ҳўжалиғи раҳбари

Айни пайтда қишлоқ мулкдори бўлган фермерлар учун ҳам бу шиор ҳаёт мазмунига айланди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, биз кимларнингдир йўлидан бораётганимиз йўқ. Барча йўналишларда ўз йўлимиз, қарашларимиз, бир сўз билан айтганда, миллий моделимиз бор. Ҳеч кимдан «нусха» ҳам кўчирмаймиз. Аксинча, Ўзбекистонда танланган тараққиёт тамойилларидан бошқалар ибрат олмақда.

Биргина қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган янги турар-жойларнинг олинги. Юртбошимизнинг «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёсасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурга мувофиқ мамлакатимизнинг 159 та туманида 650 та янги қишлоқ массиви барпо этилгани, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6

мингдан ортқ яқка тартиблиги уй-жой қуриш ташкилди. Жорий йилда ҳам қишлоқ жойларда уй-жойларни кенг кўлабда қуриш кўзда тутилган. Ҳозирда 353 та қишлоқ массиви ҳудудда бошланган қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Соҳа мутахассисларининг фикрича, жорий йилда узунлиги 300 километрдан ортқ ичимлик сув ва 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилади, қариб 240 километрик автомобил йўли қурилади. Бу мақсадлар учун 2013 йил охиригача салкам 1 миллиард доллар миқдорда маблағ сарфланади.

Энг қувонарлиси эса Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Фермерлар кенгаши қишлоқларимизда ислохотларнинг етакчи кучига айланганлиги ушбу қишлоқ мулкдорларнинг том маънодаги таъминоти айланмоқда. Яқинда Хоразм вилоят ҳокимлиги ва Фермерлар кенгаши қўшма қарор қабул қилиб, унга асосан ҳудуддаги ҳар бир қарич ер, у дала чети ёки канал-коллектор ёқаси бўладими, қовун, қовоқ, мош, ловия ва бошқа экинлар экиладиган майдонларга айлангани кераклиги белгилаб берилди.

Шу ўринда ўз фаолиятимизга қисқача тўхталиб ўтсам. Ўтган йили фермер ҳўжалигимиз 29 гектар ердан 116 тонна пахта сотди. Энди ўртача ҳосилдорликни ҳисоблаб олаверинг. Айни пайтда иштироимизда ундан ортқ техника бор. Бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётибимиз. Бунинг устига барча фермер ҳўжалиқлари бўлгани каби биз ҳам «Дала маданияти» — фермер мажбурияти» деган даъват асосида меҳнат қилаётибимиз. Ғўздан ташқари 7 бош қорамол, 100 бош парранда, 10 та асалари оиласи асраётимиз. Шийпонда ишловчилар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Ҳар жума «Механизаторлар кунини» деб эълон қилинган.

Шу кунини уларга бим ҳафталик маош берилди. Дала бошидаги салқин жойда дам оладиган ҳодирдан тортиб, озиқ-овқатларни асрайдиган табиий совутигача бор.

Бундай эътибор ва қўлайлик, шубҳасиз, ҳўжалиқнинг ҳар бир аъзоси, унинг меҳнати қадрланаётганини кўрсатади. Миришкорнинг ерга, ўзи етиштиратган ҳосилига меҳрини оширади. Бир сўз билан айтганда, ҳар қарич ер ҳисобда бўлган ҳўжалиқнинг келажаги янада порлоқ эканига ишончини оширади.

### РЕКЛАМА



#### ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

#### миллий валютада

«ФАРОВОН ТУРМУШ»  
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг бериллади.

#### хорижий валютада

«ИШОНЧЛИ» (АҚШ ДОЛЛАРИДА)  
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг бериллади.

Ушбу омонат турлари учун ҳисоб рақамларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Муружаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сергели филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқарлар вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**Барча омонатлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**  
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!  
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!  
— эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз иштироинида!  
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк (ОАЖ) — сармоянгиз сақланиши ва қўлайлигини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган

### Реклама

#### «COLLEGIAL PROTECT»

#### Ўз хизматини таклиф этади

Ҳурматли тадбиркор ва фермерлар!  
Тошкент шаҳридаги «COLLEGIAL PROTECT» адвокатлик фирмаси мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйича келишилган нархларда ўз хизматини таклиф этади. Яъни фирма томонидан тадбиркор ва фермерларга зарур юридик ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Бу эса соҳа раънақи ва қонунийлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Муружаат учун телефонлар:**  
**8(371) 269-00-40,**  
**(+99890) 982-41-68, (+99893) 502-62-99.**  
Хизматлар лицензияланган!

### Реклама

#### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИГА ОИД ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ Бўйича ЛОЙИҲА ҲУҲЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ГОЯЛАРИ Бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

**Фонд томонидан лойиҳа гоյалари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш таллов асосида амалда оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига қўмаклашилади.**

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:  
Ариза (намуна бўйича);  
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);  
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Батафсил маълумот учун:**  
Тел.: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;  
Web-sayt: www.fpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-кават.  
Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

# ҚУТЛОВ

## «АНДИЖОНПАХТАСАНОВАТ»

ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИАТИ ШАКЛИДАГИ ҲУДУДИЙ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

ҳаётимиз қувончи,  
келажагимиз ворислари  
саналмиш шириндан-шакар  
фарзандларимизни

**1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ**

билан самимий табриклайди.

Сизлар мустақил Ўзбекистонимиз  
бағрида эмин-эркин ўсиб,  
буюк аجدодларимиз,  
ота-боболаримиз  
анъаналарининг муносиб  
давомчилари бўласизлар,  
деган умиддамиз.



*Қутлуғ айём сизларга олам-олам шодликлар келтирсин!*

# ҚУТЛОВ



## «ШҮРТАНГАЗКИМЁ»

### мажмуаси жамоаси

мустақил юртимиз  
келажаги бўлган  
сиз, азиз ўғил-қизларни

**1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ**  
муносабати билан  
самимий қутлайди.

Эртамиз эгаларининг  
ҳар томонлама баркамол,  
азалий қадриятларимизга  
содиқ ва ҳақиқий  
ватанпарвар бўлиб  
етишишларини тилайди.



# ИСЛОҲОТ

## Жамоатчилик назорати

УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЗИММАСИГА ҲАМ АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада



**М. НАЖИМОВ,**  
Тошкент Давлат юридик институтининг «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедраси муdiri, юридик фанлари номзоди, доцент

шу муҳим қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилмоқда.

Шу ўринда мазкур қонун лойиҳасида нафақат жамоатчилик назоратининг шакллари ва уни амалга оширишнинг тартиб-таомиллари, балки мансабдор шахсларнинг жамоатчилик фикри олдидаги масъулиятли бурчи ҳам белгилаб қўйилганини таъкидлаш жоиз. Бу, ўз навбатида, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва жамиятнинг қонуний маънафатларига оид қарорларни сифати учун жавобгарлик даражасини оширади ва улар фаолиятининг ошқора ва очиқлигини таъминлайди.

Жамоатчилик назорати хусусида сўз борганида Президентимизнинг «Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришга бошқа бир ижтимоий институтга — оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилди. Оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларнинг эркин ва холис ифодашга қолдири бўлиши, ҳокимият билан жамоат ўртасидаги холис воситачи бўлиши зарурлиги хусусидаги фикрларга алоҳида эътибор қаратиш лозим», деган сўзларини яна бир бор эслаш лозим.

Дарҳақиқат, ОАВ сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалалари ҳамда қабул қилинаётган қонунлар ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдириши орқали жамоатчилик назоратини амалга оширади. Албатта, оммавий ахборот воситалари беvosита қонун ижодкорлиги билан шугулланмайди. Аммо матбуотнинг иштирокисиз давлат органларининг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш билан

боғлиқ фаолияти самарали кечмаслигини тан олийшимиз керак. Бинобарин, улар сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан биргалликда давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар тизимида воситачи сифатида ижтимоий мувозанатни юзга келтириш вазифасини ўтайдилар.

Бундай воситачилик, шубҳасиз, ҳар икки томон учун ҳам бирдек фойдалидир. Оммавий ахборот воситалари воситачилигини давоқимият жамият билан алоқага киришди, яъни ўз нуқтани назарини фуқароларга етказиб, жамиятдаги вазият ва ҳокимият органларининг қарорларига нисбатан жамоатчиликнинг муносабати тўғрисида объектив ахборот олади. Аҳоли эса, ўз навбатида, у ёки бу ҳолат юзасидан ҳокимият фаолияти тўғрисида маълумотга эга бўлади ва оммавий ахборот воситалари орқали муайян даражада унинг ҳолатига таъсир ўтказди.

Шу ўринда жамоатчилик назорати фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг асоси, шунингдек, нодавлат секторни ҳам қамраб олишнинг таъкидлаш жоиз. Шу билан жамоат ўртасидаги холис воситачи бўлиши зарурлиги хусусидаги фикрларга алоҳида эътибор қаратиш лозим», деган сўзларини яна бир бор эслаш лозим. Дарҳақиқат, ОАВ сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалалари ҳамда қабул қилинаётган қонунлар ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдириши орқали жамоатчилик назоратини амалга оширади. Албатта, оммавий ахборот воситалари беvosита қонун ижодкорлиги билан шугулланмайди. Аммо матбуотнинг иштирокисиз давлат органларининг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш билан

бюрократия, коррупция каби иллатлардан халос бўлиши ва қонун устуворлиги тамойилининг амалда мустақамланишига олиб келди.

Мамлакатимизда ОАВнинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлишига қарамастан, жамиятимизда кечаётган демократик ислоҳотларнинг бүгунги ҳолати ушбу ҳуқуқий механизмларни янада тақозо қилиши зарурлигини кун тартибига қўймоқда. Шу жиҳатдан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш, юридик ва жисмоний воситалари орқали муайян даражада унинг ҳолатига таъсир ўтказди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилган жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва маънафатларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутди.

## Фан ва амалиёт бирлиги

СОҲА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЭНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИДИР

**Баҳодир ҲОЛИҚОВ,** УЗПИТИ бoш директори, кишлоқ хўжалик фанлари доктори

Истиқдол йилларида иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган аграр соҳани янги bosқичга олиб чиқишга устувор аҳамият берилгани натижасида пахта этиштириш ва уни қайта ишлаш тизимига бўлган ёндашув ҳам тулган ўзгарди. Тармоқ ютуқлари рақамлар билан эмас, балки соф фойда салмоғи билан баҳоланаётгани эса соҳа олимлари, селекционерлар меҳнатини реал баҳолаш имконини ҳам яратди.

Маълумки, дароматнинг нечоғли юқори бўлиши бевосита маҳсулот сифатига боғлиқдир. Шу боис «оқ олтин»нинг эртапишар, касалик ҳамда зараркундаларга чидамли, энг муҳими, жаҳон бозорига харидорлар бўлган юқори сифатли тола берувчи янги навларни яратишга бирламчи эътибор берилаяпти.

Нисбатан қисқа муддатларда давлат стандарти талабларига тулық жавоб берадиган гўза навлари яратилди, амалиётга кенг жорий этила бошланди. Бугунга келиб гўза майдонларнинг 55 фоизда 10 та тезпишар, 37 фоизда 6 та ўртапишар ва 8 фоизда 5 та истиқболли навлар парвартирилди, юқори сифатли пахта толаси этиштирилишига эришилмоқда.

Бундан тейжамкор, гўза навларнинг биологик хусусиятига мос замонавий технологиялар қўлланилаётгани ҳам сифатли ва харидорлар тола этиштиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, тупроқ унмолдорлигини ошириш баробарида аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадига кузги буғойдан бушаган майдонларга бошқоқ, луккакли дон, озуқа ва емохашак экинларини тақдорли ва оралик экин сифатида экиш ва парваришлага оид технологиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган яхши самара бермоқда.

Яъни тупроқ унмолдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини оширишда галладан кейин тақдорли экин сифатида луккакли соя, лоя, жавлар, рапс, вика, мошни навбатлаб экишнинг замонавий тизимлари ҳам такомиллаштирилмоқда. Бундан ташқари озукавий моддалар ўрнини тўлдиришда маҳаллий ўғитлар ва ноънзанавий агроудалардан фойдаланиш, қорамол ва парранда, лигини гўнги, ипақ қўрти ва ўсимлик чиқиндиларидан органик ўғитлар тайёрлаш ва уларни кузги шудгор остига уч йилга бир мар-

та, гектарига 20-30 тонна микдорига ёки амал-ўсув даврида табақалаштириб қўллаш технологияларидан кенг фойдаланилапти.

Бундан ташқари ўтган давр мобайнида тола чиқинини 26-31 фоиздан 34-40 фоизгача, узунлигини 26-28 миллиметрдан 33-36 миллиметргача, битта кўсақкаги пахта вазини эса 3-5 грамдан 6-7, айрим ҳужаликларда 8 граммгача оширишга эришилди.

Агар 2001 йилда жами гўза майдонларининг 460,8 минг гектарига ёки 32,6 фоизда олимларимиз томонидан яратилган гўза навлари экилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 509,8 минг гектарни ташкил этди. Ҳозиргача селекционер олимларимиз томонидан жами 200 дан ортиқ гўза нави яратилиб, 20 таси районлаштирилди, 12 та нав истиқболли, деб топилди. Бухоро-6, Бухоро-8, Бухоро-102, Андижон-35, Андижон-36, Андижон-37, Ибрат, Хоразм-127, Хоразм-150 навлари буйича эса элита-уруғчилик, истиқболли Наврўз, Парвоз, Пахтакор-1, Тўрақўрғон-4 сингари навлар шунлар жумласидандир.

Институт ва унинг филиалларида 2012-2016 йилларда Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги грант лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган 1 та фундаментал, 2012-2014 йилларда амалга ошириш мўлжалланган 37 та амалий, 5 та инновацион, 3 та фундаментал ва амалий лойиҳалар асосида тала, лаборатория ва лизиметр тажрибалари ўтказилмоқда.

Гўза ва гўза мажмулидаги экинларни парваришлага ўрганилаётган мағнаба тежовчи янги агротехнологиялар асосида пахта ҳосили гектарига 2-3 центнерга ошиб, ёнили-мойлаш материаллари харажатлари 10-12, йиллик маълум ўғитлар сарфи 8-10 фоизга, умумий ишлаб чиқариш харажатларини ҳар гектарга 15-20 фоизга камайтириш мумкинлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди. Жумладан, пушта олиб экиш технологияси Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Наманган, Навоий ва Самарқанд вилоятларида 250 минг гектар майдонда, суғоришнинг дискрет усули 21 минг, гўза қатор оралиғига плёнка тўшаб устида суғориш усули 650 гектар майдонда, дарё суви тақчил ва сизот сувлари минерализацияси паст (1-3 г/л) бўлган ерларда гўзани эгат оралиғи суғориш усули эса 300 минг гектар майдондан ортиқ ерларда жорий этилди.

Бу борда Нарпай тумани фермер хўжалиқларида миллий бойлигимиз бўлган пахта ҳосилдорлигини ошириш учун айни пайтда жаҳон аграр хўжалиги тажрибалари асосида кенг қўлланилаётган олиб борилапти. Масалан, Марказий Қизилқум фосфорит қўлланилиши йўлга қўйилиши яхши самара бера бошлаганини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, мазкур корхонада ишлаб чиқаришнинг нитроқальций-фосфат ўғитининг гўза ривожига таъсири ўрганилганда тупроқнинг агроқимий хусусиятлари яхшиланиб, 2,4-3,6 центнер қўшимча ҳосил олингани маълум бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, изланишларимиз бесамар кетмапти. Зеро, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги тараққиётни таъминлашнинг энг истиқболли йўналишидир.

Бу борда Нарпай тумани фермер хўжалиқларида

## Депутатлик гуруҳларида Ишонч оқланиши керак

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ТУМАН КЕНГАШИДА О'ZLIДеP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ РАҲБАРИ ШАҲОБИДДИН НОРМАТОВ «XXI ASR» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

— Маълумки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу жараёнда депутатлик ва жамоатчилик назорати институтидан унмол фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, албатта. Айтингчи, бу борда О'zLiDePдан сайланган депутатлар туманда қандай иш олиб бормоқдалар?

— Ҳақиқатан ҳам, депутатлик ва жамоатчилик назоратининг қатъий йўлга қўйилиши сиёсий партиялар вакилларининг кенг қўллаш имкониятига алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда депутатлик ва жамоатчилик назорати институтидан унмол фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, албатта. Айтингчи, бу борда О'zLiDePдан сайланган депутатлар туманда қандай иш олиб бормоқдалар?



чилик йўналишида) янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Агар биринчи чоракда 1336 та иш жойи очилган бўлса, шундан 149 таси касаначилик асосида яратилди. Бундан ташқари санаот соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича 4 та лойиҳа амалга оширилди, яна 35 та иш ўрни барпо этилди. Аммо эшитувда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги, улар эа эришилган натижалар саломини янада оширишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Хусусан, депутатлик гуруҳи аъзоларидан Абдуғаффор Турсунов ва Саидраи Усмонов янги иш ўринларини ташкил этишда, энг аввало, коллеж битирувчиларни бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишларида молия муассасалари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар миқдорини ошириш муҳим эканини таъкидладилар. Шунинг учун ҳам яқин кунларда банкларнинг кредит бериши имкониятларини янада яхшилаш юзасидан келишиб олди.

### сидаги иштироки хусусида ҳам қисқача тўхтасангиз?

— Аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш энг устувор йўналишлардан бири, албатта. Чунки Наманган тумани аҳолиси зич ҳудудлардан саналади. Шунинг учун тўғри ва самарали турли ўқув-семинарлар ташкил этилапти. Партиявий лойиҳаларда ҳам асосан аёллар ва ёшлар иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда депутатларнинг ўзлари ҳам ташаббус кўрсатишга иштирок этадилар. Бу жараёнда депутатлик гуруҳининг аёллар бандлигини таъминлаш соҳа-

### дай самара берапти?

— Депутатлик сўрови институтидан ҳам талаб даражасида фойдаланилган бўлиши, дейиш қийин. Тўғри, оз бўлса-да муайян натижаларга эришганимиз. Масалан, яқинда Тепақўрғон қишлоғида «UCell» телефон тармоғидаги посозиклар ҳақида компаниянинг вилоят бўлимига мурожаат қилдик. Натижада 10 минг АҚШ доллари микдорига янги антенна ўрнатилишига қарор қилинди. Яна бир депутатлик сўрови Гўзал-Тошбулоқ йўналишидаги автобус қатновини Тепақўрғон ҚФЙ ҳудудига таъйинириш учун «Йўловчи ташкил» корхонасига юборилган эди. Қувонарли томонини шундаки, бу масала ҳам тез қунарда ечимини топадиган бўлди. Бундан ташқари «Қирғизқўрғон» МФЙ ҳудудига 4-мактаб ўқитувчиларидан тушган мурожаат асосида мактаб йўлини асфальтлаш тўғрисида туман «Йўлқурилушлар» корхонаси раҳбари билан расмий келишувга эришилди.

**Ахроржон МУСУРМООНОВ** сўхташди.

— Депутатлик сўровлари қан-

## Матбуот анжумани

«ҚҮРИҚЛАШ» ТИЗИМИ ХИЗМАТИНИНГИЗГА ШАЙ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қуриқлаш» бирлашмаси мажлислар залида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мустақилликнинг илк йилларида қоқ мамлакатимизда замонавий қуриқлаш хизмати шаклланиши, изчил ишлар самараси ўлароқ шахсий таркибининг жанговар ва касбий тайёргарлиги мунтазам ошиб, соҳанинг моддий-техник базаси мустақамланаётгани хусусида сўз борди. Тадбирда бирлашма томонидан 3500 дан ортиқ объект қуриқланаётгани, бунда, айниқса, ўта муҳим объектлар ҳавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида ана шундай объектлар сони 3 баробарга кўпайган. Шу билан бирга шахсий таркибининг жанговар ва касбий тайёргарлиги мунтазам ошириб боришмоқда. Яъни соҳага дунё тажрибасида синовдан ўтган замонавий технологиялар ҳам фаол жалб этилаётир. Шунингдек, қуриқлаш хизматининг моддий-техник базаси мустақамланиб, соҳани автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш изчиллик билан олиб боришмоқда. Бугун биргина Тошкент шаҳрининг ўзига 231 та автомобиль ана шу хизмат учун бириктирилган. Тадбир якунида мутасаддилар ОАВ вакилларининг саволларига атрофлиқ жавоб қайтардилар.

Алим ЭШПҮЛАТОВ тайёрлади.

# ҚУТЛОВ

## «ШҲРТАННЕФТГАЗ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

хонадонларимиз бахти,  
озод ва обод

Ватанимиз таянчи,  
кепажагимиз эгалари  
ҳисобланмиш

ўғил-қизларимизни  
Халқаро болаларни  
ҳимоя қилиш кўни  
билан қутлайди.

Аждодларимизнинг эзгу  
орзуларини рўёбга чиқариш,

она-Ўзбекистонимиз  
довруғини жаҳонга  
танитишда сизларга

юксак ақлу заковат,  
ғайрат ва шижоат  
ҳамиша йўлдош бўлсин!



# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Ким очу ким тўқ?

**ДУНЁ АҲОЛИСИНING ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЎПАЙИБ БОРАЁТГАНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА УНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ТОБОРА КУЧАЙТИРМОҚДА**

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

Шу ўринда ЮНЕСКО маълумотларида сайёрамиздаги деҳқончиликка ихтисослашган 1,5 миллиард гектар ер майдонининг 7 миллиони деградацияга учрагани қайд этилаётганини таъкидлаш лозим. Шу боис мутахассислар бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун, энг аввало, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳага фан ва илгор технологияларни жорий этиш, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга даъват этмоқдалар. Ана шундан келиб чиқиб, бутун дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш янги талаблар асосида олиб борилиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эътибор кучайтирилган. Аммо шунга қарамай, жаҳон бозорига озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошишда давом этмоқда. Бундан эса кўпроқ Шимолий ва Марказий Африка ҳамда Шимолий Американинг айрим мамлакатлари азият чекайпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти — FAO маълумотларига қараганда, айни пайтда «қора қитъа»нинг шимолий худудларида 14 миллионга яқин киши озиқ-овқат маҳсулотларига муҳтож. Айниқса Эфиопия, Сомали ва Кенияда ҳаёлат ниҳоятда мураккаблигича қолаётди. Бу ерда деҳқончилик маҳсулотлари қимматлашиши баробаридан озиқ-овқатнинг қўриқилиши ҳам бўлиб бормоқда. Жаҳон банки маълумотларига ўтган йили Мозамбикада маккажўҳори нархи 13 фоиз, Жанубий Суданда эса 220 фоизга ошгани қайд этилган. Экспертлар бундан 2-3 йил аввал БМТ ҳомийлигида махсус лойиҳалар амалга оширилгани натижасида Африкада фермерлар Осис ва Африка навиари қаттиқмасидан ҳолия бўлган гуруҳдан биринчи марта юқори ҳосил олиб, аҳолининг ушбу маҳсулотга бўлган талабни қондирган эдилар. Аммо бу жараён узокқа чўзилмади.

Халқаро озиқ-овқат институти ҳисоботларига қайд этилишича, Африка қитъаси ва Лотин Америкасининг шимолий худудларида аграр сектордаги ишларнинг нотўғри йўлга қўйилгани ҳам оғирликни кучайтирмоқда. Ҳисоботда айтилишича, 90-йилларда айрим нодавлат ташкилотлар томонидан Африка ерларига пестицид моддаси сепилгани оқибатда тупроқ унумдорлиги кескин пасайиб кет-

ган. Халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти мониторинги билан шуғулланувчи экспертлар ҳам бундан ташкилотлар, Сабаби, бундай ННТларнинг аксарияти кўпроқ маҳсулот етиштириб, унинг сотилишидан манфаатдор бўлишган, ҳолос. Бир сўз билан айтганда, ана шундай «бизнес-гурӯҳлар» томонидан минтақа деҳқончилиги устидан монополия ўрнатилиб, мўмай даромад топиш илмида фақатгина экспортдор маҳсулотлар етиштирилган. Бу эса озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қиқаришига олиб келаётди. Боз устига, инвестицияларнинг асосий қисми ҳам айнан қишлоқ хўжалиги ҳосилини етиштирувчи фермер хўжаликларини ташкил этишга сарфланаётди. Қитъа монополизлари эса етиштирилган буғдой, кофе ва пахта каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жуда катта оқимини жаҳон озиқ-овқат бозорига йўналтиришмоқда. Қизини, улар маҳсулотлар нархини истайган қийматда белгилашмоқда. Оқибатда дунёнинг қарийб 1 миллиард кишини очликдан азият чекаётди. Шу боис қўллаб-қувватлашга бўлган талабни кучайтириб бундай қўриқилишга қаршилик билдирилмоқда. Хусусан, Ҳиндистон озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи монополизт компаниялар фаолиятига чек қўйишга. Базис маълумотларга қараганда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бериш билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар сони салкам 3 минтага етгани қайд этилган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси ҳам дунёни озиқ-овқат монополизидадан қутқаришга бел болагани йўқ.

Мутахассислар Африкадаги таҳликали вазият дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бўлган талабни кучайтириб юборганига эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, бу жараён Ҳитой учун ҳам муҳим масалага айланганини айтиш мумкин. Бутун мазкур мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. 224 миллион гектар ерда деҳқончилик қилинаётган Чинда умумий ҳайдаликдан ер майдони 110 миллион гектардан иборат. Бу рақам дунёдаги ҳайдаланган ерларнинг 7 фоизини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида мавсумий ишларга салкам 900 миллион киши жалб этилиши ҳам Ҳитойда мазкур масалага қай даржада эътибор қаратилаётганини кўрсатиши мумкин. Бу қўриқилиш Россия, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия ва Мексикани қўшиб ҳисобланганда ҳам б баробарга қўшир. Бироқ бундай қўлаш ҳам Ҳитой халқи эҳтиёжларини тўла қондира олма-

япти. Шунинг учун мамлакат ҳукумати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида четдан қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни сотиб олишга эътибор қарата-япти. Бунинг учун эса четдан унумдор ер сотиб олган компанияларни рағбатлантириш шун махсус давлат режаси ҳам ишлаб чиқилди. Ҳитой Африка ва Лотин Америка-сидаги ерларни сотиб олиш кўзла-наштан бўлса-да, ҳозирча бу лойиҳалар ижроси катта маблағ талаб этаётгани боис тўхтаб турибди. Бир томондан Ҳитой Африкада деҳқончилик билан шуғулланса, бу ана шу ерлик аҳоли учун иқтисодий манфаат келтирди. Яъни «қора қитъа»нинг айрим минтақаларига инвестиция кириб боради ва аҳоли иш билан таъминланиши ҳамда уларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи қондирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирча бу масалада ягона қарор қабул қилинмаяпти.

Қолаверса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича жаҳоннинг етакчи давлати — АҚШда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга 80-йиллардаёқ тамал тоши қўйилганини таъкидлаш жоиз. Унгача эса қишлоқ хўжалиги оид қўриқилиш базиси оид-вий фермерликни қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. 1985 йилда қабул қилинган «АҚШ озиқ-овқат хавфсизлиги ҳақида»ги қонун аграр секторни янги босқичга кўтариб, мазкур соҳа мамлакат учун стратегик аҳамият касб этишини аниқлаганди. Дунё миқёсида дуққалик маҳсулотлар, соя ва маккажўҳорининг қарийб ярмини етиштираётган давлат учун бу қонун ўша пайтда қай даржада муҳим бўлганини бугунги натижаларда ҳам кўриш мумкин. Чунки ўшанда мутахассислар сайёрамизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кескин равишда ортишини башорат қила бошлаганди. Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазири Тома Вилсжанинг фикрича, ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми 134 миллиард долларни ташкил этган.

Бутун эса мамлакат аграр секторини сонаот негизда янада ривожлантириш давом эттирилмоқда. Яъни соҳага ҳам маблағ ва ишчи кучи сарфлаб, мўл ҳосил олиш тақрибаси амалиётга изчил жорий этилмоқда. Мисол учун, Калифорния штатидаги «Ломбард» фермер хўжалигида ҳаммаси бўлиб уч киши меҳнат қилишига ишонили қўйилди. Аммо бу бор гап. Хўжалик ҳисобидидаги 128 гектар ернинг 48 гектари га пахта, 45 гектарига беда экилади. Қолган ерларда бошқа экинлар парвариланади. Ишлар асосан механизация асосида ташкил этилган. Статистика маълумотларга кўра, АҚШда салкам 300 миллионли аҳолининг атиги 3 фоизи аграр секторда банд. Яъни 30 миллионга



яқини мамлакатни арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш бюроси маълумотларига қараганда, америкалик фермерларнинг 90 фоизидан кўпроги ерга тўла ёки қисман эғалик қилади, ҳолос. Таҳлилчиларнинг фикрича, фермерларнинг кооперативларга бирлашгани ҳам соҳадаги ютуқлар гарови бўла-япти. Эътиборли томони шундаки, бундай кооперативлар фақат фойда олиш эмас, балки аъзоларнинг турли эҳтиёжларини қондириши асосий мақсадга айланган. Яъни фермерлар фаолияти учун зарур бўлган турли минерал ўғитлар, транспорт, маркетинг ва бошқа харажатларни қисқартиришга қўмақлашиш уларнинг асосий вазифаси. Бундан ташқари мамлакат солиқ тизими ҳам аграр секторни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. 1988 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги даромадидан олинадиган солиқ ставкаси фермер хўжалигининг катта-кичиклигига қараб 15 фоиздан 28 фоизгача бўлиб белги-ланган. Унгача эса бу миқдор 15 дан 50 фоизгача бўлган.

Кейинги ўн йилда Европада ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш асосий масалага айлан-ди. Шу боис йирик халқаро йилги-ларда Евроиттифок вакиллари эътиборини озиқ-овқат захирасини бунёд этишга қаратаётдилар. Хусусан, 2012 йили Мексикада ўтган «катта йилгирмалик» саммитида Франция ҳукумати вакиллари би-ринчи бўлиб ана шу таклифни ил-гари сурдилар. Маълумки, мамла-катда деҳқончиликка яроқли бўлган 48 миллион гектар ер бор. Фран-ция узумчилик соҳисида дунё ми-қёсида биринчи ўринни эгаллаши- ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шунинг-дек, мева-сабзавот етиштириш бўйича бу мамлакат етакчилардан саналади. Маълумотларга қараган-да, узумдан ҳар йили 60 миллион тонна вино тайёрланаётган мамла-кат ҳукумати Лангедок, Бордо, Шампань, Эльзас худудлари ва Луар водийсида узумчилик дала-ларини янада кенгайтириш ва маҳ-сулот ҳажминини кўпайтиришга ҳар-кат қилаётди.

Исроилда эса деҳқончиликка яроқли бўлган ерлар жуда кам. Боз устига сув тақчил. Аммо шунга қара-май, сувни асосан четдан импорт қилаётган мамлакат томиқчилиги суториш усулини жорий этган. Ай-тиш жоизки, мамлакатдаги барча унумдор ерларнинг 99,8 фоизи дав-латга тегишли бўлиб, улар фақат ижарага берилади. Фермер ва олим-лар томонидан тақдим этилган ис-тиқболли лойиҳалар ҳам давлат то-монидан молиялаштирилади. Ана шу лойиҳалар асосида қора тарвуз, қизил банан, пахтанинг қўқ ва жи-гарранг навлари яратилди. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги вази-рини йилига ҳар бир ҳудудга 100 соатлик ўқув дарслари ташкил эта-ди. Бундай тадбирларга соҳанинг кучли мутахассислари жалб этила-ди. Харажатнинг 70 фоизи давлат, қолган қисми эса фермерлар томо-нидан тўланади. Ерга муносабат «Ерга эғалик ҳақида»ги қонун би-лан тартибга солинишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, бундан 50 йил аввал мамлакатда аксарият озиқ-овқат маҳсулотлари гуманитар ёрдам сифатида четдан олиб кели-нар эди. Ҳозир эса Исроил четта

ҳам озиқ-овқат экспорт қилаяпти. Айни пайтда ҳар йили 1,5 миллион тонна цитрус мевалар хорижа со-тилоқда. Мамлакатда балиқчилик ҳам мўмай даромад манбаига ай-ланган. Чунки ундан олинадиган қора икрага Еврохудудда талаб юқори. Сўнги йилларда бу ерда гул етиштириш ҳам ривожланди. Бу-нинг негизда эса асарчилик ҳамда катта эътибор қаратила бошланди. Маълумотларга қараганда, мазкур соҳага ихтисослашган фермерлар-нинг ҳар бирида 2 мингдан зиёд асалари уяси бор. Тан олиш керак, Урта ер денгизида жойлашган ушбу давлатнинг деҳқончилик тажриба-си шу маънода ҳам мураккаб сана-лади.

Дунё миқёсида фикр юритил-ганда, Ўзбекистонда мустақиллик-нинг дастлабки йилларидаги милли-онли иқтисодийлик тўбора етак-чи аҳамият касб этаётган фермер-

лик ҳаракатини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъмин-лашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани халқаро эк-спертлар томонидан эътироф эти-лаётганини таъкидлаш жоиз. Қишлоқ хўжалигида амалга оши-рилаётган кенг қўламли ислоҳот-лардан қўла тўпидан асосий мақ-сад соҳада мулкдорлар синфини шакллантириш ва соғлом рақобат муҳитини юзага келтиришдир. Айни пайтда етиштирилаётган деҳқончи-лик маҳсулотларининг 99 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри кела-гани қишлоқ хўжалигига бўлган талабни тобора кучайтирмоқда.

Президентимизнинг ўтган йили қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиши янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги фармони эса аграр секторни янада ривожланти-

ришга хизмат қилаётди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чи-қаришнинг йиллик ўсиши ўртача 6-7 фоизни ташкил этаётгани ҳам мамлакатимизда экспорт салоҳия-тини ошириш ва юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Бу эса тўғри танланган иқтисодий си-ёсат ниҳоятда қисқа фурсатда ўз са-марасини берганини кўрсатаяпти.

Сўнги сўз ўрнида шунга айтиш мумкинки, XXI асрда дунё ҳамжа-мийати учун озиқ-овқат муаммоси энг оғир қишлоқ хўжалигига айлан-ди. Табиқатнинг қўли қўриқиб вақ-ти ҳам башариани бирдек қўриқиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис замоннинг ўзи ушбу нозик масалада халқаро муносабатларни юқаси сиёсий ахлоқ ва тафаккур доирасида ҳал этишни тақозо эт-моқда.

## Воқеалар, далиллар, шарҳлар

### ОБАМА МАБЛАҒ ТЕЖАЛМАСЛИГИГА ВАЪДА БЕРДИ



АҚШнинг Оклахома штатида юз берган кучли торнадо оқибатлари ҳақида газетамизнинг ўтган сонидида хабар берган эдик. Халокатдан бир неча кун ўтгач, АҚШ президенти Барак Обама оғат юз берган Оклахома-Ситиге ташриф бурди. Вайронагарчиликлар қўламини ўз қўзи билан кўрган давлат раҳбари етказилган зарарни баҳолаш ҳақиқатан ҳам мушкул эканини тан олди. Мутахассисларнинг фикрича, етказилган зарар тахминан 2-5 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши мумкин.

«Тиклаш жараёнида зарур бўлган маблағларнинг етказиб берилишини кафолатлайман. Қутқарувчиларни керакли анжомлар билан таъминлаш, аҳолини бундай вазиятларда қандай йўл тутши кераклигига ўргатиш ҳам диққат марказида бўлади. Эҳтиёткорлик масаласида маблағни тежаш ярамайди. Табиқатнинг янги зарбасини кутиб, қўл қовуштириб ўтириш нотўғри», — деди АҚШ президенти.

### НОРОЗЛИК КҶКУНИ

Италия газеталарида хизмат қилувчи муҳбирларга оқ кукун солинган хатлар юборилгани хабар қилинапти. Хусусан, «Корьерра дала сера» газетаси тахририятига душманга қуни шубҳали оқ кукун ва Италия президенти Жоржо Наполитано ҳамда собиқ боз вазири Сильвио Берлусконига қаратилган дўқ-пўписали хатлар юборилган. Газетада хабар қилинишича, хатда «Берлускони ва Наполитано ўлдирилади. Улар ўз ватани хонларидир» деган сатрлар бўлиб, унга «Халқ химоясининг қуролланган гуруҳи» имзоси қўйилган. Хатга қўли теккан олти киши тибибий кўриқдан ўтиш учун шифонага юборилган. Худди шундай мурожаатнома Берлускони оиласига тегишли «Жорнале» наشري тахририятига ҳам юборилган. Айни пайтда мактублардаги кукуннинг зарарли ёки зарарсиз эканини аниқлаш учун текширувлар олиб боришмоқда.

### ИШЧИ КҶЧНИНГ ИМПОРТИ



Маълумки, жаҳон иқтисодий инкирозидан катта зарар кўрган Испанияда ишчилар сони тобора ортиб бормоқда. Шу боис аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи кекса аёллар вакиллари Германия ҳукуматига ишчи кучини немис диёрига «импорт» қилиш таклифи билан чиқшди. Шу ўринда Германиянинг «Бирке» электрокомпанияси тажриба тарикасида Испаниянинг Падрона шаҳридан 12 нафар мутахассисни ишга таклиф қилганини таъкидлаш жоиз. Компания раҳбари Бернд Биркеннинг таъкидлашича, бундай лойиҳа аввал амалга оширилмаганили сабабли улар Испания томонининг мазкур таклифига қандай муносабат билдириши билмаганлар. Лекин охири-оқибат бу борада ижобий натижа қайд этилган. Испаниялик ишчиларнинг сўзларига қараганда, Германияда ишлаш жараёни, меҳнат шaroитлари уларга маъқул келмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ГФВ ва Испания Меҳнат вазири томонидан имзоланган шартномага асосан Германия 4 йил ичида 5 минг нафар Испания фуқаросини иш билан таъминлайдиган бўлди.

### ЯНГИ ҚОНҶН БИЛАН АЁЛЛАРГА «ФОРМА» КҶИДИРИЛАДИ

«Россия давлат Думаси депутатлари аёлларни ҳарбий хизматга жалб этишга доир қонун лойиҳасини тайёрладилар. Давлат Думасининг депутатлари 18 дан 27 ёшгача бўлган аёлларнинг ҳарбий хизматга қақририлишига рухсат бериш таклифи билан чиқдилар. Ҳарбийлик бурчи тўғрисидаги қонунга тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги ҳужжатлар Мудофаа вазириликка ҳам юборилди. Эътиборлиси, мазкур қонунда аёлларнинг ҳарбий қақруви мажбурий эмаслиги белгилаб қўйилган. Қонунга ўзгариш киритиш юзасидан ташаббус кўрсатган Россия давлат Думасининг МДХ ишлари бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Татьяна Москалькованинг айтишича, мазкур қонун лойиҳаси аёллар ва эркаклар ҳуқуқларини тенглаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. — Аёлларнинг ҳарбий хизматга боришини тарғиб қилиш шарт эмас. Лекин уни ўташ ниятида бўлган аёллар бундай имкониятдан мақрум қилиб ҳам бўлмайди», — деди ана шу мазгуга аниқлик киритган Т.Москалькова.

Гулноза Мухиддинова тайёрлади.

### Ижтимоий реклама

## «ЭЪТИРОФ — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда матбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, тах-тилий жиҳатдан юқас савияда ёритилган материаллар қўламини ошириш, босма нашрларни шакл ва мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардор бўлиши, нуфузи ошишига қўмақлашиш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алма-шишга ёрдам кўрсатиш, иқтисодий муаммоларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, ин-тернет агентликлари ва нашрлар ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий қўмағи-да ўтказилади.

ТАНЛОВ НОМИНАЦИЯЛАРИ:

— энг яхши ижтимоий-сиёсий нашр;	— газета-журналнинг энг яхши дизайни
— энг яхши иқтисодий нашр;	учун;
— энг яхши спорт нашри;	— энг яхши интернет-агентлиги ва
— энг яхши болалар нашри;	нашри.

ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Ғолиблар 2012 йилнинг 1 сентябридан 2013 йилнинг 1 сентябригача олиб борган фаолияти натижаларига кўра аниқланади. Ғолиблар қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

- нашрнинг ўз йўналиши бўйича оммавийлиги;
- материалларнинг ранг-баранглиги ва долзарблиги;
- бадий-эстетик безатилиши.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакиллари билан иборат хайъат томонидан баҳоланади. Танловда қатнашиш истагини билдирган тахририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

**ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАШ**

Танлов ғолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

Танловда қатнашиш учун аризалар 2013 йил 5 сентябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тوشкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, info@mmf.uz. Ташкилий қўмита.

«XXI asr» газетаси жамоаси «Халқ сўзи» газетасининг Сирдарё вилояти бўйича муҳбири Шомурод КОЛМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

# СЎНГГИ САҲИФА

### ХАБАРЛАР

#### БУХОРО ОЛОВ-ҚАЛБ ЭШЛАРГА МЎНТАЗИР

«Универсиада-2013» спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати билан Бухоро шаҳрида бир қатор янги иншоотлар барпо этилди. Хусусан, Бухоро муҳандислик-технология институтининг янги спорт мажмуаси учун 1,4 миллиард сўм маблағ сарфланди. Иншоотнинг биринчи қаватида баскетбол, кўл түпи, мини-футбол ва волейбол мусобақаларини ўтказиш имконияти яратилди. Юқори қаватдан эса гимнастика зали, шунингдек, ҳакамлар хоналари, кийим алмаштириш ва ювиниш бўлимлари жой олди. Бухоро Давлат университетидан қад ростлаган янги иншоот ҳам баскетбол, волейбол, шахмат ва тренажёр залларини ўз ичига олган. Бу ерда халқаро турнирларни ташкил этиш учун барча имкониятлар яратилган. Университет спорт зали билан ёнма-ён худудда эса жами 1,9 миллиард сўмликдан зиёд реконструкция ишлари бажарилди. Соҳа мутасаддиларининг фикрича, университетда мусобақалари доирасидаги футбол бахслари айнаини шу ерда ўтади. Юғуриш йўлақлари, баландлик ва узунликка сакраш, найза улоқтириш, мини-футбол, баскетбол, волейбол, теннис майдончалари ҳам қайта таъмирланди. Шахмат мусобақалари ўтказилаётган объектда эса 851 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилди. Шунингдек, кураш, бекбогли кураш, дзюдо, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, сузиш, кўл түпи бўйича спорт бешлашувлари ўтказилаётган «Бухоро», «Хумо», «Семург» мажмуалари, «Дилқушо» теннис маркази ҳам бўлажак нуфузли мусобақаларга шай холга келтирилди. Асхор ИСТАМОВ.

## Хато қилишга ҳаққимиз йўқ!

### «БРАЗИЛИЯ-2014» МУСОБАҚАСИ САРЛАШ БОСҚИЧИДАН ЎРИН ОЛГАН ЖАНУБИЙ КОРЕЯ-ЎЗБЕКИСТОН УЧРАШУВИГА 12 КҮН ҚОЛДИ

Шухрат ХЎЖАЕВ,  
«XXI ASR»



Тан олиш жоиз: XX асрадаёқ «қатта манфаатлар тўқнашуви майдони»га айланган футбол бўйича жаҳон чемпионати кейинги йилларда бир қатор кўрсаткичлар бўйича ҳатто Олимпия ўйинларини ҳам ортда қолдира бошлади. Буни Олимпиада мусобақалари ташкилотчилари «бўш ўриндиқлар», яъни спорт мажмуаларини тўлдирмаган томошабинлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган бир пайтда ЖАРДА бўлиб ўтган сўнгги жаҳон чемпионати давомида стадионларга жами 3 млн. 180 миң (ҳар битта учрашувга ўртача 50 миң) нафар мухлис ташириб буюргани, илгари жаҳон кубогини қўлга кириштиш учун асосан Жанубий Америка ва Европа терма жамоалари ўртасида олиб борилган курашга сўнгги вақтларда Африка, Шимолий Америка ҳамда Осиё вакиллари қўшилиётгани ҳам кўрсатиб турибди. Бу фикрларга бежиз ургу берилмаган. Чунки Ўзбекистонда ҳам спортга, хусусан, футболга жуда кенг йўл очиб берилди, қўлай имкониятлар яратилди. Натижада Миржалол Қосимов ва унинг шогирдлари айна вақтда ўзбек футболни ихлосмандларининг салкам йигирма йиллик (бунга қадар 1998, 2002, 2006 ва 2010 йилги жаҳон чемпионатлари саралаш бахсларида иштирок этган терма жамоамиз, афсуски, ҳар сафар сўнгги босқичда қолиб кетган) орзуларини рўёбга чиқариш учун ҳар қачонгидан ҳам қўлай имкониятни қўлга киритдилар.

Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот хизматининг хабар беришича, ана шу муҳим ўйинга муносиб тайёрларлик кўриш мақсадида 2 июнь кунини Тошкентда йиғиладиган терма жамоамиз икки кунлик машғулотлардан сўнг Хитой терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун Пекингга жўнаб кетади.

6 июнда Чин юрти вакиллари қарши майдонга тушадиган футболчиларимиз эртаси кунини Сеулга йўл оладилар. Эслатиб ўта-миз: 9-тур доирасида Жанубий Корея термаси билан беллашадиган Миржалол Қосимов жамоаси айна пайтда «ЖЧ-2014» мусобақаси сўнгги саралаш босқичининг «А» гуруҳида пешқадамлик қилмоқда. Шу ўринда бунгача корей-лар саралашнинг 4 июнь кунини бўлиб ўтадиган 8-турада Ливан терма жамоаси меҳмони бўлишини, квалификация баҳсларининг мазкур турида Ўзбекистон терма жамоаси дам олишини айтиб ўтиш лозим.

«А» гуруҳи жадвали. 7-турдан кейинги ҳолат.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.ЎЗБЕКИСТОН	6	3	2	1	6-4	11
2.Ж. КОРЕЯ	5	3	1	1	11-5	10
3.ЭРОН	5	2	1	2	2-2	7
4.ҚАТАР	6	2	1	3	4-7	7
5.ЛИВАН	6	1	1	4	2-7	4

Корейдаги учрашувдан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси 12 июнь кунини Тошкентга қайтади ва саралашнинг Қатар терма жамоасига қарши 18 июнь кунини ўтказилаётган сўнгги тур учрашувида қўлай имкониятнинг кутилмайди.

#### «А» гуруҳи тайёрларлик кўради.

Мажмуотларга кўра, ўтган ҳафта Миржалол Қосимов Хитой, Жанубий Корея ва Қатар терма жамоаларига қарши ўйинларда майдонга тушиши мумкин бўлган ўйинчилар рўйхатини эълон қилган. 35 нафар футболчи ўрин олган кенгайтирилган таркибга «Бунёкор», «Пахтакор», «Локомотив», «Бухоро» каби маҳаллий жамоаларимиз аъзолари, шунингдек, Россия, Озарбайжон, Хитой, Қозғистон, БАА, Жанубий Корея клубларида тўп сураётган легионерларимиз жалб этилган. Яқинги таркиб эса Хитой сафарига арафасида эълон қилиниши кутилапти.

#### Ишончимиз комилки, терма жамоамиз бош мурабийи сўнгги йилнинг доирасидаги машғулотлар давомида рақибларни ҳар томонлама ўрганиб, мутахассислар мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, уларга нисбатан пухта режа ва тактик усулларни қўллашга, ўз навбатида, аввал йўл қўйилган хатолар устида ишлаб, нафақат терма жамоа шайни, балки кўп миллионлик юртимиз шарафини учун майдонга тушадиган футболчиларимизни ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёрлай олади. Зеро, энди хатоларга йўл қўйишга, аниқроғи, бундай қўлай имкониятнинг бой беришга ҳаққимиз йўқ.



Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 30 май-6 июнь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгариб турсада, ёгингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Термометр кўрсаткичлари кечаси 13-18, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда об-ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 15-20, кундузи эса 32-37 даража иссиқ бўлади. Тоғли худудларда ҳарорат кечаси 9-14 даража иқлим, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

### САВОЛ БЕРИЎГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

— Сифатни бошқариш тизими жорий этилган корхоналар қандай имтиёزلардан фойдаланадилар? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Фазлиддин Хамидуллаев (Тошкент шаҳри).

— Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этган корхоналарга бир қатор имтиёزلар белгиланган. Жумладан, уларга солиқ имтиёзлари, лаборатория тадқиқотлари ва махсулотларни лаборатория синовидан ўтказишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисملарни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда бож тўлови ҳамда қўшимча қиймат солиғидан озод этиш белгиланган. Давлат эҳтиёжлари учун махсулот харид қилишда тендер савдолари ўтказилишида устунилик СБТ жорий этилган корхоналарга берилди.

(Саволига «Ўзстандарт» агентлиги мутахассиси Ирода Усмонова жавоб берди.)

### РЕКЛАМА

**Автомобили УАЗ**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**UАЗ Patriot (comfort) — пикап**

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:

Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

**LADA БИЗНЕС**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.**

**ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.**

**ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.**

**ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.**

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:

Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

### РЕКЛАМА

**РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ВАЗИРЛИК, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«ШАРҚ ИМП ЭКС» туристик компанияси Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарлари бўйлаб барча қулайликлар асосида саёхатлар уюштиришини маълум қилади.

**НАРХЛАР КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

Маълумот учун телефонлар:  
(+99898) 273-02-95, (+99895) 507-04-60

Хизматлар лицензияланган!

«NAVOIYAZOT» ОАЖ

ОРГАНИК СИНТЕЗ МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭТАКЧИ КОРХОНА ҚҮЙИДАГИ ГАЗЛАРНИ СЌТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- газсимон кислород
- аргон
- углерод диоксида
- ацетилен
- азот

[www.navoiyazot.uz](http://www.navoiyazot.uz)

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5  
Факс: (+99879) 223-75-80  
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99  
e-mail: [market@navoiyazot.uz](mailto:market@navoiyazot.uz)

СЌТУВ БЎЛИМИ:  
(+99879) 229-27-35, 229-21-68  
e-mail: [sale@navoiyazot.uz](mailto:sale@navoiyazot.uz)

Махсулот сертификатлашган!

**ХАБАРЛАР**

ИТМОИЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мухаммадсуф ТЕШАБОВ, Абдурашид ЖУРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Муҳаммад АҚРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шухрат НОРИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТЌШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.  
ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳод НАЗАРОВ, Сайфулла ИҚРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темир АБДУРАҲМОНОВ.  
Қосим ТЌШЕВ, Ориф УЛМАСОВ, Ўлғабой ҚўКЌРОВ.  
БОШ МУХАБРИР: Мироди АЗЌИЯХМОНОВ.  
БЎЛИМЛАР: Котибиат — 281-40-17 (тел./факс), Партиа турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичим бизнес ва хуsusий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Рекламага ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона: 215-63-80 (тел./факс).  
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-ўй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: [axborotXXIasr@yahoo.com](mailto:axborotXXIasr@yahoo.com), [XXI\\_ASR@yahoo.com](mailto:XXI_ASR@yahoo.com), [XXI\\_ASR@mail.ru](mailto:XXI_ASR@mail.ru).  
«XXI ASR»-дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НММУ босмаханасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-ўй.

МУАССИС Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
«XXI ASR» ихтимолий сиёсий газетаси Ўзбекистон Мەتبўхона ва ахборот агентлигини 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
Бўрумла рақами: J 254. Тираж: 22568  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Тошчирилди — 2000

**НАШР КўРСАТИКИ: 406**

Навобутилар: Н.ТОШЕВ, Ж.ЖўРАЕВ.

ISSN 2181-497X

9 772181 497001